ISNN 3030-3907

2026/4
VOLUME 9

DEVELOPMENT OF SCIENCE

ILMIY JURNAL



Development of science

Ilmiy jurnal

2026/4 VOLUME 8

ISSN 3030 -3907

Ilmiy jurnal OAK rayosatining 2024 yil 27 sentabrdagi 361-son qaroriga asosan 02.00.00 kimyo fanlari hamda 2025 yil 12 fevral 367- son qaroriga asosan 05.00.00 texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

BOSH MUHARRIR:
Temirov Alisher Hoshim o‘g‘li – texnika fanlari falsafa doktori (PhD),Dotsent.
TAHRIRIYAT KENGASH RAISI:
Fozilov Sadriddin Fayzullayevich – texnika fanlari doktori, professor
TAHRIRIYAT KENGASH A’ZOLARI

TEXNIKA FANLARI/ TECHNICAL SCIENCES/ ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

Bozorov G‘ayrat Rashidovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Abdurahmonov Olim Rustamovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Adizov Bobur Zamirovich
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti, professor
Hayitov Ruslan Rustamjonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Jumayev Qayum Karimovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Berdiyev Dorob Murodovich
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti, professor
Maxmudov Rafiq Amonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Tilloyev Lochin Ismatilloyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Raxmonov Qahramon Sanakulovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Barakayev Nusratullo Rajabovich
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti, professor.
Jo‘rayev Xayrullo Fayziyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Panoyev Erali Rajabboyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Ataullayev Sherzod Nabiullyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Murodov Malik Negmurodovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Axmedova Ozoda Bahronovna
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti.
Safarov Bahri Jumayevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Xaydarov Axtam Amonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Safarov Jasur Alijon o‘g‘li
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Асадова Раъно Дилмуратовна
Тошкент Давлат техника университети доценти

KIMYO FANLARI/ CHEMICAL SCIENCES/ ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Axmedov Voxid Nizomovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Umarov Baqo Bafoyevich
Buxoro Davlat Universiteti, professor
Kodirov Abduaxad Abduraximovich
Qarshi davlat Universiteti, professor
Qurbonov Mingniqul Jumagulovich
Qarshi davlat Universiteti, dotsent
Turemuratov Sharibay Naurizbaevich
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Qoraqalpog‘iston bo‘limi Bosh ilmiy kotibi, professor
Tursunov Kaxor Shonazarovich
Qarshi davlat Universiteti, professor
Do‘stov Hamro
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Panoyev Nodir Shavkatovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Olimov Bobur Bahodir o‘g‘li
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Kasimov Sherzod Abduazimovich
Termiz Davlat Universiteti, professor.
Aliqulov Rustam Valiyevich
Termiz Davlat Universiteti, professor
Tropov Xamza Tursunovich
Samarqand Davlat Universiteti, professor

IQTISODIYOT FANLARI/ ECONOMICS/ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Nizamov Aslitdin Badreddinovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Boboyev Akmal Choriyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Ergashxojayeva Shaxnoza Djasurovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, professor
Saidaxmedova Nodira Ilxomovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, professor
Muxsinov Bekzod Toxirovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Shakarov Qulmat Ashirovich
Renessans ta'lim universiteti,dotsent.
Jumaeva Zulfiya Qayumovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Norova Salomat Yusupovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Avezova Shaxnoza Maxmudjonovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Jalilov Jamshid G‘anijonovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, dotsent
Xasanova Gulruh Djumanazarovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.

PEDAGOGIKA FANLARI/ PEDAGOGICAL SCIENCES / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

Siddiqova Sadoqat G‘afforovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Zoyirov Erkin Xalilovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, DSc, professor
Gaffarov Feruz Hasanovich
Puchon Universiteti, *professor*
Ruziyev Davron Yuldashevich
Buxoro Davlat Universiteti, professor
Muradova Firuza Rashidovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Yunusova Gulandon Samiyevna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
To‘xtayeva Zebo Sharifovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Navro‘zova Gulchixra Nigmatovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Uzoqova Laylo Polvonovna
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti, dotsent.
To‘raqulova Marjona Qiyom qizi
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Muradova Zarina Rashidovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Murodov Sanjar Aslonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Shodiyev Jahongir Jo‘raqulovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent
Gaffarov Laziz Hasanovich
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti, dotsent.

Tahririyat a’zolarning to‘liq ro‘yxati jurnalning www.devos.uz saytida keltirilgan.

Tahririyat hay’ati a’zolarining tarkibini o‘zgartirish hamda qo‘shimcha kiritish yoki tahririyat a’zoligidan chiqarish bosh muharrir tomonidan amalga oshiriladi.

ISSN 3030-3907

Development of science ilmiy jurnali 2024 yil 15 aprel kuni №256445 sonli guvohnoma bilan Davlat ro‘yxatidan o‘tgan.

To‘plam elektron ko‘rinishda (pdf formatida) mualliflarga taqdim etiladi. To‘plamga kiritiladigan maqolalarning mazmuni, ulardagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to‘g‘riligiga hamda har qanday fikr - mulohazalarga mualliflarning o‘zlari mas’ul hisoblanadilar. Talablarga javob bermaydigan maqolalar to‘plamga kiritilmaydi. Tashkiliy qo‘mita maqola matnini qisqartirish, qisman tuzatish kiritish, seksiyalarga joylashtirish huquqiga ega.

ISSN 3030-3907

УДК: 657.1:332.7-047:32(575.1)

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ АУДИТИ

Қурбонов Мақсуджон Тошботир ўғли
СамИСИ талабаси
Тел: (93) 223-56-36
E-mail: maksimq2019@mail.ru
Рахмонова Юлдуз Шарафитдиновна
Илмий раҳбари СамИСИ PhD, катта ўқитувчи
Тел: (97) 446-03-60
E-mail: raxmanova_yulduz@mail.ru
ORCID: 0009-0008-9676-2216

Аннотатсия. Ушбу маколада касса операциялари аудити ўтказилганда текширув мақсади ва коидаларга риоя қилинганлигини аниқлаш тартибини, банкдаги счётлар бўйича пул маблағлари кирими ва чиқимига доир муомалалар банкда тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилишини, ҳисоб-китоб счёти билан боғлиқ бўлган банк муомалаларига доир намунавий бухгалтерия ёзувларининг таснифланиши билан танишиб чиқиши зарурлигига тухталиб утилган. **Kalit so‘zlar:** касса операциялари аудити, пул маблағлари оқими, депозит счетлар, корхонанинг пул маблағларидан фойдаланиш.

Аннотация. В данной статье рассматриваются цели проведения аудита кассовых операций и порядок определения соблюдения установленных правил, а также освещается оформление операций по поступлению и выбытию денежных средств на банковских счетах соответствующими первичными документами. Подчёркивается необходимость ознакомления с классификацией типовых бухгалтерских проводок, связанных с банковскими операциями по расчётному счёту.

Ключевые слова: аудит кассовых операций, движение денежных средств, депозитные счета, использование денежных средств предприятия.

Abstract. This article describes the procedure for conducting an audit of cash transactions and compliance with the codes governing the procedure for receiving and debiting funds from current accounts at the bank, as well as the procedure for issuing identity documents during an audit of bank accounts. Bank It is still unclear exactly how they were classified.

Keywords: Cash transactions are carried out using audit funds, securities pool funds, deposit accounts, and securities pool funds.

КИРИШ.

ISSN 3030-3907

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, валюта тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи хўжалик ююртувчи субектларнинг пул маблағлардан оқилона фойдаланиши ва молиявий мустаҳкамланиши орқали сезиларли даражада ҳамда мунтазам ошиб бормоқда.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд.

Урганилганлик даражаси: Фанга оид ўқув адабиётида пул маблағлари аудиторлик текширувини ўтказишнинг мақсади қуйидагича ифодаланган: «Текширувнинг асосий мақсади - пул маблағлари оқимини акс этувчи счетларда амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги, ишончлилиги ва хўжаликни самарали юритиш мақсадларига мувофиқлигини аниқлашдир. Текшириш мақсадлари ва фойдаланадиган маълумот манбалари пул маблағлари турларидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Чунончи, касса операциялари аудити ўтказилганда текширув мақсади қуйидагиларга риоя қилинганлигини аниқлашдан иборат:

-нақд пул ва бошқа бойликлар кассада бут сақланиши, уларни банкдан олиб келишда сақлаш шароитлари;

-чек дафтарчалари белгиланган тартибда сақланиши, чекдан кўчирмалар ва улар бўйича пул олиш тартиби;

-кассага пул кирим қилиш ва ундан пул бериш операцияларини ҳужжатли расмийлаштириш қоидалари;

ISSN 3030-3907

-кассада нақд пул лимит чегарасида сақланиши ҳамда хизмат сафарлари, хўжалик харажатлари ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳисоботли пул берилиши;
-банклардан, юридик ва жисмоний шахслардан нақд пул ва тушумлар ўз вақтида ва тўлиқ кирим килиниши;
-касса операцияларини амалга оширишда касса интизомига риоя қилиниши;
-касса операциялари ҳисоби ва касса дафтарини юритиш, кассада сақланаётган бошқа бойликлар бўйича таҳлилий ҳисоб дафтарлари юритилиши;
-жўнатилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва бошқа моддий бойликлар учун юридик шахслар билан нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш тартиби;
-банклардан чек орқали олинган нақд пул мақсадга мувофиқ ишлатилиши;
-иш куни якунлангандан кейин лимитдан ортиқ бўлган нақд пул банкларга тўлиқ қайтарилиши;
-ишонч қоғозлари расмийлаштирилмасдан туриб бегона шахсларга нақд пул бериш ҳолатлари мавжудлиги.

Аудитор (аудиторлар гуруҳи) кассадаги пул маблағлари ва касса муомалаларини ҳужжатли текширишни бошлашдан олдин, одатда, кассадаги нақд пуллар, қимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобот бланкларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт. Бунда пул маблағларини ҳисобга олишга доир республикамиздаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга асосланиш зарур.

Пул маблағлари аудиторлик текширувининг асосий мақсади — пул оқимлари билан боғлиқ барча операцияларнинг қонунийлиги, ишончлилиги ва хўжалик юритиш самарадорлигига мослигини аниқлашдан иборат. Шу билан бирга, аудитор текширув давомида пул маблағларидан оқилона фойдаланилганлиги, уларнинг мақсадли сарфланганлиги ҳамда ички назорат тизимининг қай даражада самарали ташкил этилганлигини ҳам баҳолайди.
Касса операциялари аудитида юқорида келтирилган ҳолатлардан ташқари, қуйидаги жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади:

1. кассадаги нақд пул маблағларининг ҳақиқий мавжудлиги бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан тўлиқ мос келиши;
2. ортиқча ёки камомад ҳолатлари мавжуд бўлса, уларнинг сабаблари ва айбдор шахсларни аниқлаш;
3. кассир билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартноманинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги;
4. касса ҳужжатларида сохталаштириш, тузатиш ёки қонунбузарлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

ISSN 3030-3907

5. ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ёпилиши ва улар бўйича ортиқча қарздорликка йўл қўйилмаслиги;

6. касса операциялари бўйича ички назорат тизимининг мавжудлиги ва самарадорлиги;

7. нақд пул айланмасига доир белгиланган чекловлар ва меъёрларга риоя қилиниши.

Шунингдек, аудитор текширув жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланади:

7. ҳужжатли текширув (бирламчи ҳужжатларни таҳлил қилиш);

8. солиштирма таҳлил (банк кўчирмалари ва бухгалтерия маълумотларини таққослаш);

9. инвентаризация натижаларини баҳолаш;

10. танлаб текшириш (айрим операцияларни чуқур таҳлил қилиш);

11. аналитик амаллар (пул оқимларини таҳлил қилиш ва тенденцияларни аниқлаш).

Инвентаризация жараёнида аудиторлар кассадаги нақд пуллар, қимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобот бланкларини санаб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқлар билан солиштиради. Агар фарқлар аниқланса, улар далолатнома билан расмийлаштирилиб, тегишли чоралар кўрилиши тавсия этилади.

Якуний босқичда аудитор пул маблағлари бўйича барча текширув натижаларини умумлаштириб, корхонада касса интизомига риоя қилиниши, пул маблағларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш самарадорлиги бўйича хулоса беради ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит счетлар ҳамда депозит счетларнинг бошқа турларини очиш ҳуқуқига эгалар.

Банк счетлари қуйидаги турларга бўлинади:

1) талаб қилиб олингунча (асосий ва иккиламчи) депозит счетлар;

2) жамғарма депозит счетлар;

3) муддатли депозит счетлар;

4) депозит счетларнинг бошқа турлари (аккредитивлар бўйича муддатсиз фоизсиз депозитлар ва шу кабилар);

Мижоз томонидан ҳар қандай счет очилаётганда банк счетига хизмат кўрсатиш шартномаси тузилади. Банк счети шартномаси бўйича юзага

ISSN 3030-3907

келадиган муносабатлар фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит счети унинг асосий счети ҳисобланади.

Мижозлар қонунчилик асосида бир ёки бир неча банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит счетлари очишлари мумкин. Банкдаги счётлар бўйича пул маблағлари кирими ва чиқимига доир муомалалар банкда тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу дастлабки ҳужжатларнинг шакллари ва тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки йўриқномаларида белгиланган. Бундай ҳужжатларга қуйидагилар киради:

-банк кўчирмалари (банк томонидан тасдиқланиб илова қилинган ҳисоб- -китоб тўлов ҳужжатларининг шакллари билан);

-тўлов топшириқномаси;

-тўлов талабномаси;

-тўлов ордери;

-инкассо топшириқномаси (фармойиши);

-ҳисоб-китоб счётига нақд пул топшириш учун ариза;

-валютани мажбурий сотиш учун топшириқнома;

-валюта сотиб олиш учун топшириқнома;

-резидентнинг сотиб олинган валютани сўмга айлантириш тўғрисидаги фармойиши ва бошқалар;

-банк ҳисоб-китоб ҳужжатларига илова қилинадиган ва амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини асословчи дастлабки хужжатлар.

Юқоридагиларга асосланиб, аудитор ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади, ҳужжатларни арифметик текширув ва банкдаги счётлар бўйича амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини текширувдан ўтказади. «Банк операцияларини текширишда аудитор банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа счетлар мавжудлиги ва банк операцияларини амалга оширишда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини текширади. Текширув корхона томонидан банкларда очилган барча счетлар бўйича амалга оширилади. Тегишли счетлар бўйича кўчирмаларда қайд этилган маблағлар қолдиғи ҳисобда мавжуд бўлган маблағлар қолдиғи билан солиштирилади.

ISSN 3030-3907

1-Жадвал

Банк операцияларини аудиторлик текшируви жадвали

№	Текширув босқичи	Текширилади ган объект	Аудитор амаллари	Манба ҳужжатлар
1	Банк счётлари мавжудлигини аниқлаш	Барча банк счётлари	Миллий ва хорижий валютадаги счётларни аниқлаш	Банк шартномалари, рўйхатлар
2	Счёт турларини таснифлаш	Асосий ва иккиламчи счётлар	Асосий ва иккиламчи счётларни ажратиш	Банк маълумотлари
3	Шартномаларни текшириш	Банк счети шартномаси	Шартноманинг қонунийлигини текшириш	Банк шартномаси
4	Ҳужжатларни расмийлаштириш	Дастлабки ҳужжатлар	Ҳужжатларни тўғри тўлдирилганлигини текшириш	Тўлов ҳужжатлари
5	Арифметик текширув	Ҳисоб-китоб ҳужжатлари	Суммаларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Барча тўлов ҳужжатлари
6	Қонунийликни текшириш	Банк операциялари	Операцияларнинг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш	Қонунлар, йўриқномалар
7	Банк кўчирмаларини текшириш	Банк кўчирмалари	Кўчирма маълумотларини таҳлил қилиш	Банк кўчирмалари
8	Қолдиқларни солиштириш	Счётдаги маблағлар	Банк ва бухгалтерия маълумотларини солиштириш	Кўчирма, ҳисоб регистрлари
9	Синтетик ва аналитик	Ҳисоб маълумотлари	Ҳисоблар ўртасидаги	Бухгалтерия маълумотлари

ISSN 3030-3907

	ҳисобни текшириш		мосликни текшириш	
10	Молиявий ҳисоботни баҳолаш	Молиявий кўрсаткичлар	Ҳисобот ишончлилигини тасдиқлаш	Молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун ундаги кўрсаткичларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб, банк кўчирмаси маълумотларига мослигини текшириш керак. Бундай текширувни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Аудитор банкдаги счётлардан акцептсиз (розиликсиз) ҳисобдан чиқаришга доир муомалаларни текширишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай ҳолатлар фақат суд қарори, бевосита қонун кўрсатмалари, мижознинг банк шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин. Банкдаги счётлар бўйича муомалаларЎзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар ёки йиғимларни ундириш тўғрисидаги қарорни таъминлаш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқ ижро қилиш навбати солиқ тўлашга доир мажбуриятлардан олдин тўланадиган тўловларга тааллуқли эмас. Банкдаги муомалаларни тўхтатиш солиқ органидан бундай муомалаларни тўхтатиш ТЎҒРИСИДАГИ қарор қилинган пайтдан то ушбу қарор бекор қилингунга қадар амал қилади. «Аудитор банкдаги счётларга доир муомалалар аудитини банкдаги миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларга илова қилинган солиқ ҳисоботини текширишдан бошлайди. Бунда даставвал банкда очилган счётлар сони ва рақами ҳамда қайси банкда очилганлиги аниқланади. Бу маълумотлар аудиторга барча счётлар бўйича банк кўчирмаларини ва ҳар бир счёт бўйича ҳисоб регистрларини текшириш учун керак бўлади. Сўнгра аудитор корхона ва банк ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юридик асосларини аниқлайди, банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси нормаларига мувофиқлигини текширади. Аудитор даставвал, ҳисоб-китоб счёти билан боғлиқ бўлган банк муомалаларига доир намунавий бухгалтерия ёзувларининг таснифлагичи билан танишиб чиқиши зарур. Бу Энг кўп учрайдиган муомалаларни аниқлаш ва счётлар боғланишининг тўғрилигини текширишга имкон беради. Агар корхонада бундай таснифлагич йўқ бўлса, Бош дафтардаги счётлар бошланишидан фойдаланиб, тегишли ахборотга эга бўлиш мумкин. Бунда корхона фаолиятига хос бўлмаган муомалаларга доир счётлар боғланишига

ISSN 3030-3907

алоҳида эътибор қаратиш зарур. Агар банк хизмати кўрсатиш шартномасида банк томонидан корхонанинг пул маблағлари дан фойдаланиши кўзда тутилган бўлса, аудитор олинган фоизларнинг корхонада ҳар ойда даромад сифатида акс эттирилиши ёки уларнинг ҳисобкитоб счётига ҳақиқатда ўтказилишига қарабакс 22 эттирилишини текшириши лозим. Олинадиган фоизларни нотўғри акс эттириш нафақат ҳисобот давридаги молиявий натижаларнинг бузиб кўрсатилишига, балки корхонага нисбатан солиқ органи томонидан молиявий жазо чоралари (жарималар) қўлланилишига олиб келиши мумкин. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилишини тасдиқловчи дастлабки ҳужжатларни, харажатларни ҳисобга оладиган счётлар билан боғлиқликда батафсил текшириш ва таҳлил қилиш, илмий-тадқиқот ишларига қилинган сарфларни, ижтимоий-маданий хизматлар учун тўлов ва бошқа харажатларни ҳисобдан чиқаришга доир хатоликлар аниқлашга ёрдам беради. Бундай хатоликлар молиявий натижаларнинг бузиб кўрсатилишига ва солиқ билан боғлиқ нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan “Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son, https://lex.uz/docs/5841063

2. Добрынина А.И., Тарасевича Л.С. Экономическая теория. 4-е изд. – СПб.: 2009. 560-б. 3.Смаглюкова Т.М. Общие подходы к формированию регионалной инвестиционной политики // Современные проблемы науки. – 2014. – № 1

3. O‘zbekiston moliyaviy hisobotlarning milliy standartlari loyihasi // https://imv.uz/media/budget_activity_files/MHXS Loyiha. pdf

4. Robin Djoys . Uchebnoye posobiye po MSFO (2017) http://finotchet.ru/articles/1272/

5. S.N. Tashnazarov. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. Darslik. T.: 2019. -584 b.

ISSN 3030-3907